

ДУМАЛОҚ ХАТ

Ҳажвий ҳикоялар

Ғафур Ғулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий уйи
ТОШКЕНТ – 2020

УЎК 821(100)

КБК 84(0)

Д 87

Рус тилидан Маҳмуд Бўрон таржимаси

Думалок ҳаг: (Ҳажвий ҳикоялар) / Таржимон Маҳмуд Бўрон. –
Тошкент: Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи,
2020. – 144 б.

УЎК 821(100)

КБК 84(0)

ISBN 978-9943-5416-3-4

**© Гафур Гулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий
уйи, 2020**

ЖАҲОН ҲАЖВИЁТИДАН ТУҲФА

Адабиёт инсонни комиллик сари ундайди, дунёқараши ва дид-фаросатини тарбиялайди. Бунда унга сатира ва юмор ёрдамга келади. Кулги даргачаларидан бири «Кулган одамнинг умри узоқ бўлади», деган. Бу гап тез-тез такрорланиб туради. Аммо... дунёнинг бугунги шиддатида бировни кулдириш осон иш эмас. Эҳтиёт бўлмасангиз, кулдираман деб, ўзингиз кулгили ҳолатга тушиб қолишингиз ҳеч гап эмас. Шунга қарамай, устоз ҳажвчилар, уларга эргашишган истеъдодли шогирдлар бу ишга астойдил бел боғлаганлари қувонарли ҳолдир.

Ушбу тўпламга жамланган асарларнинг муаллифлари китобхонларга яхши таниши. Уларнинг ижодлари дунёнинг деярли барча минтақаларида чоп этилган, турли тилларга қайта-қайта таржима қилинган. Бадиий адабиётдаги муҳим бир хусусият шуки, адабий-бадиий асарлар қачон ва дунёнинг қайси бир минтақасида яратилмасин, уларда умуминсониятга дахлдор муаммолар кўтарилади, барчасида тўғрилиқ, ростгўйлик, ҳалоллик каби фазилатлар улуғланади. Шу боисдан ҳам ҳажвий асарлар, уларнинг муаллифлари қайси бир миллат ёки элатга мансуб бўлмасин, ҳамма жойда севиб мутолаа қилинади.

Талабчан китобхонлар ҳукмига ҳавола этилаётган ушбу тўпламдан Болгария, Сербия, Туркия, Россия ва бошқа кўплаб мамлакатларда яшаб ижод қилган, дунё адабиёти ривожига муносиб ҳисса қўшган ижодкорларнинг ҳажвий асарлари жой олган. Уларни ҳажв оламида ўз ўрнини топган, бу борада қалами анча чархланган ёзувчи Маҳмуд Бўрон ўзбек тилига ўгирган.

Кулгисевар китобхонлар учун ушбу нашр яхши совга бўлади деган умиддаман.

Аҳмаджон Мелибоев

Антон ЧЕХОВ,
Россия

МАЪЛУМОТНОМА

Туш пайти. Мулкдор Волдирев баланд бўйи гирдиғумдан келган, сочлари калта кузалган, кўзлари туртиб чиққан киши қабулхонага тортиниброқ кирди-да, пальтосини ечиб, ипак дастрўмолчаси билан пешанасини артди. Бу ерда патқаламларнинг қоғозда шитирлаётган товуши кулоққа чалинмоқда...

– Маълумотномани қаердан олсам бўлади? – қабулхона ичкарасидан патнисда стаканларни олиб келаётган эшик оғасига юзланди у. – Менга катта китобдаги қарордан нусха ва маълумотнома керак эди.

– Марҳамат қилиб тўрга ўтсинлар! Дераза олдида ўтирган анави кишимга мурожаат қилишлари мумкин, – шундай дер экан, эшик оғаси кўлидаги патнис билан дераза томон имо қилди.

Волдирев бир йўталиб кўйди-да, ўша томонга юрди. У ерда доғ қоплаган яшил стол ортида жингалаксоч, киррабурун, этаги узун мундирда бир йигит ўтирарди. У каттагина бурнини қоғозга теккудек шўнғиган кўйи ёзарди. Унинг ўнг қовоғи ёнида пашша айланиб учар, иш билан банд бўлгани учун, пастки лабини чўччайтириб, бурни аралаш пашша томон пуфларди. Бу иши унинг қиёфасига серташвиш ифода бераётганди.

– Сиздан бир нарсани... мумкинмикан сўрасам, – Волдирев унга мурожаат қилди, – ишим бўйича маълум

мотнома олмоқчи эдим? Мен Волдиревман... Ҳа, айтганча, мен катта китобдан иккинчи март кунги қарор нухасини олмоқчи эдим.

Идора ходими перони сиёҳдонга ботириб олди-да, патқаламга зимдан нигоҳ ташлади – ишқилиб кўп ранг олмадимикин?.. Перодан ранг томмаслигига ишонч ҳосил қилгач, яна қитирлатиб ёзишга тутинди. Лабини яна чўччайтириб пуфламоқчи бўлди-ю, аммо пуфламади. Пашша унинг қулоғига кўниб олганди.

– Бу ердан маълумотнома олсам бўлармикин?.. – такрорлади Волдирев бир дақиқалардан сўнг. – Мен Волдиревман, ер эгаси...

– Иван Алексеич! – қичқирди амалдор нарёққа қараб, у гўеки Волдиревни кўрмаётган эди. – Агар анави савдогар Яликов келса, айтиб қўй, ариза нухасини полициядан тасдиқлатиб келсин! Унга минг марта айтдим!

– Мен княгиня Гугулина меросхўрлари билан ўрта-миздаги можарога оид... – ёлдиради Волдирев. – Маълум иш. Мен билан шуғулланишингизни чин дилдан сўраган бўлур эдим.

Амалдор ҳамон бу ерда Волдирев борлигини пайқамётгандек лабидаги пашшани тутиб олди. Унга диққат билан тикилиб тургач, ташлаб юборди. Мулкдор олдинига йўталди ва катак-катак рўмолчасини олиб қаттиқ акса урди. Бироқ бу иши ҳам ёрдам бермади. Уни эшитишни исташмаётганди. Орага икки дақиқаларча сукут тушди. Волдирев чўнтагидан бир сўмлик пул чиқариб, амалдор олдида ёзиқ турган китобга қўйди. Амалдор пешанасини тириштирди, юзида пайдо бўлмиш серташвиш ифода билан китобни ўзига тортиб ёпиб қўйди.

– Кичкинагина маълумотномача... Билмоқчи эдимки, княгиня Гугулинанинг меросхўрлари нималарга асосланиб... Сизни безовта қилсам бўлаверадими?

Амалдор ўз хаёллари билан жуда банддай ўрнидан турди, кафтини қашлаганча негадир шкаф томон юрди. У бир дақиқалардан сўнг столи томон қайтиб, бояги китоб билан андармон бўлди; унда яна битта бир сўмлик пайдо бўлган эди-да.

– Мен сизни бор-йўғи бир дақиқага безовта қиламан... Менга маълумотнома керагиди, бор-йўғи...

Амалдор бу гал ҳам гўё ҳеч нима эшитмади. У алланимани шитирлатиб кўчира бошлади.

Волдирев афтини бужмайтириб, тинмай шитирлатиб ёзаётган манави оғайничалишларга ноумид бир кайфиятда назар ташлади, «Ҳа-а, ёзларинг! – деб ўйлади ва уф тортиб қўйди. – Тинмай ёзишади-я, ҳаммангни батамом жин урсайди-я!»

У столдан нари кетди. Хона ўртасига келиб қўллари шалвиратган кўйи ноумидлик билан серрайганча туриб қолди.

Ўз ишлари билан юрган эшик оғаси унинг қиёфасидаги ноиложлик ифодасини кўриб, унга жуда яқин келди-да, секингина сўради:

– Ҳа, қалай? Эпладиларми?

– Эплашга-ку, эплайман-а, бироқ мен билан гаплашишни хошлашмаяпти-да.

– Сиз унга уч сўм беринг... олам гулистон!.. – шивирлади эшик оғаси.

– Мен унга аллақачон иккини бердим.

– Сиз яна беринг.

Волдирев яна стол олдига қайтиб келди-да, очик турган китоб устига яна битта яшил қоғозни ташлади.

Амалдор яна китобни ўзига тортиб, уни варақлашга тушди ва ... бирдан, худди бехосдан бўлгани каби Волдиревга кўзларини кўтариб қаради. Унинг қанқайган бурни бирдан эгилиб тушди, қизарди ва табассум билан жийрилди.

– Оббо... ўзларими-я! Хизмат? – сўради у.

– Мен ишим юзасидан маълумотнома олмоқчи эдим... Мен Волдиревман.

– Э, қадамларига ҳасанот! Гугулинлар иши бўйичами? Жуда яхши-да! Хўп, ўзларининг кўнгиллари нима тусайди?

Волдирев ўз илтимосини баён қилди.

Амалдор худди ичига бўрон оралаган каби жонлашиб кетди. У бирпасда маълумотномани ёзиб берди. Катта китобдаги қарордан нусха кўчириб беришларини топширди. Талабгорга курси бериб ўтирғизиб қўйди – буларнинг бари кўз очиб юмгунча ижро этилди. У ҳатто об-ҳаво тўғрисида гапириб, ҳосилнинг чўғи билан ҳам кизикди.

Волдирев кетадиган бўлганда, пиллапояда меҳмоннавозона ва чуқур ҳурмат ила кулимсираганча, исталган лаҳзада ташриф этган киши олдида тиз чўкишга ҳам тайёрлигини билдириб, уни пастгача кузатиб тушди.

Волдиревга унинг бу иши негадир эриш туйилди ва қандайдир бир ички ишорага берилиб чўнтагидан бир сўмлик олиб амалдорга узатди. У бўлса, ҳамон таъзим бажо келтирмоқда экан, кулимсираганча бир сўмликни олди-да, худди кўзбойлоқчидек шундай қилдики, пул хавода бир йилт этди, холос...

«Эҳ, одамлар...» кўчага чиқаркан шундай хаёлга борди мулкдор. У тўхтади ва пешанасини артди.

Михаил ЗОШЧЕНКО,

Россия

ЭР

Хўш, ошналар, оилаларимиз жабҳасида нималар содир бўлаётганини биласизларми ўзи? Бунақа аҳволда

эркакларга осон тутиб бўлмайди. Айниқса, хотинлари фаол ишларда банд бўлса.

Яқинда манавинақа, одамни қисинтирадиган бир воқеа бўлиб ўтди. Уйга келдим. Эшигимни тақиллатдим. Эшикни очишмаса, денг.

– Манюся – дейман хотинга, – бу ўзи, Васянг, кеп қолди.

Жим. Нафаси ичига тушдими, нима бало.

Бирдан эшик ортидан Мишка Бочковнинг товуши дўриллаб қолсами. Бу Мишка Бочков дегани хотиннинг ишхонасидан, билиб кўйсангиз агар.

– Ия, деяпти ярамас, бу сизмидингиз, Василь Иванович. Ҳозир биз айнан ўзлари учун эшикни танбалаймиз. Озгина кутиб тургин-а, оғайни.

Шу топда денг биров калламга тўқмоқ билан туширгандай бўлди.

«Бу ёғи қанчадан тушди, оғайнилар, – деган ўйга бордим. – Оилавий жабҳада иш пачавага ўхшайди-ку! Энди эр бечорани ўз уйига ҳам қўймайдиган бўлишибдими».

Иззатини жойига қўйиб, чийилладим:

– Оч эшикни, товугди боласи. Қўрқма, сан билан муштлашмайман.

Ўзи тўғрисяям шу, ростдан ҳам муштлашиш қўлимдан келмайди. Бўйим кечириб қўядилар-ку, паст, жуссам кичкина, орриққинаман. Шунинг учун ҳам дўп-послаша олмайман. Бунинг устига, биласизми, агар сал тезкор ҳаракат қилсам, ошқозонимда нимадир ғулдирагандек бўлади. Фельдшер: «Овқатингиз ўйноқлаяпти», дейди. Менинг бўлса, бунақа ўйиндан дардим енгил бўлаётгани йўқ. Ўйинчоғини топганини қаранг. Шу туфайлидан муштлаша олмайман. Бор гап-да.

Эшикни яна тақиллатаман.

– Оч, – дейман, – сандроқи муттаҳам.

У бўлса бундай деяпти:

– Эшикни ураверма, девбачча. Ҳозир очаман.

– Э, бу қанақаси, оғайнилар! – деяпман, – у кишим ичкарида хотиним билан биқиниб олсалар-у, мен бўлсам, эшикка тегма эмиш. Қани оч, – дейман, – ҳозироқ очасан, бўлмаса, онангни Учқўрғондан кўрсатаман, шовқин солишимни бир кўриб кўясан!

У бўлса:

– Василь Иванович, озгина кутиб тур-да, энди. Ўтиратур бирпас, – дейди, – коридорда сандиқча бор-ку, ахир. Устидаги пилта чироқни тушириб юборма тагин. Мен уни атай сен учун қолдирганман.

– Биродарлар, – дейман ёқамни ушлаб, – азиз-авлиёлар! Бу қандай шармандалик, айланайлар! Бу нима балойди, – дейман. – Бунақа пастликни кўрганмисиз. Шундай нозик бир пайтда эрга пилта чироқ ҳақида, шунчалик бамайлихотир гапириб бўларканми?! Ўзи нима иш қилипсанлар, манжалақилар?!

У бўлса, ишонасизми, эшик тирқишидан яна оловга мой куйяпти:

– Эҳ, сен! Василь Иванович, ҳамиша молпарастлигингча қолиб кетдинг-да. Бегона эркаклар ўғай аёллар билан жамиятдан яшириниб олиб, эшикни танбалаб, ўғринча нима иш қилишлари мумкин? Шу бўлишинг бўлса, молпарастлигингча ўлиб кетасан!

– Майли, – дейман, – мен молпарастдирман, фақат ҳозироқ бориб, милицияни чақириб келаман. Кўрасанлар! Жонажон милициямни бошлаб келаман!

Пастга, милицияни чақиргани югураман.

У постида турган экан, шундай дейди:

– Ўртоқ, сиз тушунинг, бунақа пайтда бирор бир чора кўра олмаймиз. Мободо сизни кимдир ўлдирмоқчи бўлса ёки дейлик кимдир сизни оила машмашаларига биноан деразадан ташлаб юбормоқчи бўлса, чора кўрсак бўлар... Бу ахволда... – дейди ғўлдираб, – бирор бир муҳим воқеа содир бўлаётгани йўқ. Ҳали жиноят таркиби шаклланмаган. Ҳаммаси жойида, одатдаги гаплар. Яхшиси, – дейди, – сиз яна бир марта уриниб кўринг. Балки, бу гал сизни ичкарига киритишар.

Ортга югурдим. Ростданам, ярим соатлардан сўнг Мишка Бочков эшикни очди.

– Киринг, – дейди, – энди кирсангиз бўлади.

Уриб хонага кираман, во аблахлар деворсамми, уйга қараб бўлмайди. Чекишган, уйни тутун қоплаган, ҳамма нарса пала-партиш, тўкилган, сочилган. Стол атрофида, буни қаранг, етти киши ўтиришибди – уч хотин ва икки эркак. Ёзишяпти. Ёки мажлис ўтказишяпти. Яна ким билади, дейсан.

Ҳаммасининг кўзи менда, хохолаб қулишяпти. Олдинроқда уларнинг бир ўртоғи, Мишка Бочков, столга бош қўйиб олганча, кулгининг зўридан силтаниб ётишибди. Ярамаснинг тили зўрға калимага келди:

– Кечирадилар, – дейди худди мени ҳурмат қиладиган кишидек, – пардон, сизга ҳазил қилдик-да. Шунақа вақтда эр бечоралар нима қилишини билгимиз келди.

Мен бўлсам, гапимга қалампир қистириб юбордим:

– Қулишнинг, – дедим, – ҳечам кераги йўқ-да. Мажлисми, – дейман, – дангал айтиш керак-да. Ёки, – дейман, – эшикка эълон осиб қўй. Умуман олганда, – дейман, – заҳарингга чекдингми – хонани шамоллат.

Улар бўлса, яна анча ўтиришиб, охири уйларига гум бўлишди. Мен уларни ушлаб ўтирганим йўқ.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/uz/asar/6811> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/6811> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/6811>